

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10785779>

**Begjigitov Elmurod Erkinboy o'g'li**

*Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti BNG' 90- guruh talabasi*

*Мақолада мамлакатимиз бюджет сиёсатини амалга оширишнинг жорий ҳолати, хусусан давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибининг ўзгариш тенденциялари таҳлил этилган. Шунингдек, давлат бюджети даромадларида солиқлар улушининг ўзгариши ва бюджет даромадлари барқарорлигини ошириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.*

### **Калит сўзлар**

*бюджет, солиқ, даромад, харажат, акциз, солиқ ставкаси, инвестиция, молиявий ресурслар, солиқ юки.*

## ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ БЮДЖЕТНОЙ ПОЛИТИКИ

*В статье проанализировано состояние осуществления бюджетной политики, в том числе изменение состава государственных доходов и расходов. А также даны предложения и рекомендации по увеличению устойчивости доходов бюджета, и изменение доли налогов в государственном бюджете.*

### **Ключевые слова**

*государственный бюджет, налоги, доход, расход, акциз, налоговые ставки, инвестиции, финансовые ресурсы, налоговое бремя.*

## PRIORITY DIRECTIONS OF IMPROVING THE STATE FISCAL POLICY

*The article analyzes the state of implementing the budget policy, including changes in the composition of state revenues and expenditures. As well as proposals and recommendations to increase the sustainability of budget revenues, and change the share of taxes in the state budget.*

### **Keywords**

*state budget, taxes, income, expense, excise, tax rates, investments, financial resources, tax burden.*

The adoption of the Strategy for the development of the Republic of Uzbekistan in the five priority areas of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, proposed by President Islam Mirziyoyev, became the basis for a new phase of social and economic development of our republic. The third priority direction of the strategy of action is the "priority areas of economic development and liberalization". Paragraph

3.5 of this Directive provides for the implementation of measures aimed at "comprehensive and balanced socio-economic development of regions, districts and cities, their effective and efficient use". Particularly, accelerated development of all regions of the country, with particular emphasis on reducing regional and subregional dependent subregional differences in the socio-economic development of regions through accelerated development of regions and cities, primarily through industrial and export potential and the expansion of the revenue base of local budgets<sup>1</sup>.

In the Address to the President of the Republic of Uzbekistan on the most important priorities of the country's development in 2019, the Address of the President of the Republic of Uzbekistan called for the continuation of the measures of comprehensive development of the region in the implementation of the priorities set for achieving the goals of comprehensive economic reforms. The basis of the Strategy for the five priorities of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 is primarily the tasks related to the interests of the people. The strategy for action envisages the fourth direction, "Priorities of Social Sector Development", which includes measures to improve the social protection and health of citizens, and to improve the quality of social assistance to vulnerable populations<sup>2</sup>.

All above-mentioned issues are aimed at ensuring the social and economic development of the regions, which nowadays provides for financial sustainability of local budgets and the efficient use of their resources. In the Republic of Uzbekistan, the necessity of strengthening the local finances associated with the movement of financial and budgetary resources in the regions, the need to improve the mechanism of rational fiscal budgeting based on modern requirements, increase the economic and financial capacity of the regions, consolidate the revenue base of the local budgets, fiscal and budgetary issues of regional economies the issues of improving the revenue base and financial capacity of local budgets determines the relevance of the topic chosen for quego. <sup>1</sup>In pursuance of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for Further Development of the Republic of Uzbekistan" dated February 7, 2017, N UP-4947, Publicly, 2017,

28 (6722); Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70.

2The strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 02.02.2017. No. 4947.

Currently, the Public Finance Management Reform Strategy for 2007-2018 was adopted in Uzbekistan, which is being implemented in line with the governance, planning, budgeting and evaluation of government activities, i.e. the reform of the public administration mechanism. In fact, the state budget is part of the public finances of the country's financial system and has all the features of the financial system. At the same time, the state budget has only specific features, which, in turn, distinguish the state budget from other branches of the financial system and allow it to occupy a central position. In each country, the state is the founder of all financial relations, but its role as the main distributor of material and financial resources is only exceptionally strong in the budget. Revenues of the state budget are intended to ensure budget expenditures, the amount of which depends on the growth of GDP and the tax burden on tax rates. In spite of the global crisis in the world economy, macroeconomic stability has been observed in Uzbekistan in recent years. In particular, the real GDP growth by the end of 2016 amounted to 7.8% and the tax burden was 18.9%. The real GDP growth in 2018 was 5.3% and the tax burden was 21.2%. Taxation policy should provide a stable flow of tax revenues without worsening the economic situation and international competitiveness of the country<sup>3</sup>. Taxes are also an important component of the state budget and are mandatory payments to be collected by public or local authorities in order to meet public needs. As noted above, as a result of the ongoing reforms in the country, the taxation system is improving.

Today, further development of the business environment in the country, the accelerated development of domestic production, the reforms in the fiscal and tax system and their simplification are simplified. Thus, tax and customs privileges to effectively utilize domestic capacities serve to ensure macroeconomic stability and high economic growth in our country. In conditions of economic liberalization, we can see that large-scale reforms in the fiscal system of our country provide effective protection of the population of the country and the system of tax and customs privileges for business entities. The gross domestic product and national income generated by the state budget are redistributed. The redistribution of gross domestic product comes from general needs in the community: education, health,

economic and political stability in the country, material support for socially vulnerable groups, peace, protection of borders and the need for state reserves for emergencies. It also has financial support to influence the social reproduction of society through the state budget.

In the current situation it is possible to offer the following directions on effective use of budgetary funds:

- financial control over targeted financing should be strengthened in the budget allocation;

- to simplify the mechanism of financing of budgetary organizations and to create opportunities for maximum results in the use of funds.

Ѕjugoslav A., Miloje J., Jasminka M.: «Local Tax Policy in the Function of Development of Municipalities in Serbia»// “Procedia - Social and Behavioral Sciences”.Volume 221,2016, Pages 262 – 269

## КИРИШ

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бештаустувор ўналишибўйича Ҳаракатстратегиясининг қабул қилиниши республикамизни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичи бошланишининг асоси бўлди. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши – “иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланади. Мазкур йўналишнинг 3.5-банди “вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” га мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди. Жумладан, мамлакат барча ҳудудларини жадал ривожлантириш, бунда алоҳида эътибор ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни қискартириш, субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтиришга қаратилади[1].

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизидаги мақсадларларга эришиш учун белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда “ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил

давом эттириш лозим”, – деб таъкидланди[2]. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясининг асосини ҳам, авваламбор, инсон манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар ташкил қилади. Ҳаракатлар стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган тўртинчи йўналиш кўзда тутилган бўлиб, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди[3].

Юқорида айтиб ўтилган барча масалалар бугунги кунда ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бугунги кунда маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, улар маблағларидан самарали фойдаланишни кўзда тутди. Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар молия-бюджет ресурсларининг ҳаракати билан боғлиқ маҳаллий молияни мустаҳкамлашнинг, ҳудудий молия-бюджет ресурсларини оқилона бошқариш механизмини замон талаблари асосида такомиллаштиришнинг зарурлиги, ҳудудларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш, ҳудудий иқтисодиёт муаммоларини молия-бюджет механизмлари орқали ҳал этиш, маҳаллий бюджетлар даромад базалари ва молиявий имкониятларини яхшилаш муаммоларини ўрганиш масалалари тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

#### МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, айниқса, давлат молия сиёсатининг аҳамияти тўғрисидаги масалалар кўпгина иқтисодчи олимлар ўртасида турли баҳс ва мунозараларга айланиб, уларнинг тадқиқот предметларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар, мақолалар ва монографиялар чоп этирилган бўлса- да, ҳали ҳам жуда кўплаб иқтисодчи ва амалиётчилар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молия сиёсатининг айрим муаммолари хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, А.Лаффер, Г. Ловренс, Г.Р. Зодров, П. Миезковски, Л. Давид, Г. Блодгет, Питер Мидил, К. Макконел, Симон Ненбии, Баро, Чеперу, Сирквин, Лапду, Дайомонд, Лонже, Одусола, Экпо, Стотски, Волдемарим, Пианкастелли, Элтони, Наги, Хансон, Тиирининг тадқиқотларида ўз аксини топган[4].

Шунингдек, МДХ иқтисодчи олимларидан Е.Балацкий, А.Дробозина, Б. Рагозин, В. Белостоцкая, Д. Черник,


В.Князев, В.Радионова, Васильев, В. П. ва бошқаларнинг илмий асарларида молия сиёсатининг таркибий қисмлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятига доир масалалар хусусида фикрлар юритилган[5]. Молия сиёсатида доир масалалар республикамиз иқтисодчи олимларининг илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.С.Маликов, Қ.А.Яхёев, Н.Х.Ҳайдаров, Ш.А.Тошматов, Б.Э.Тошмуродова, М.И.Алимардонов, А.А.Набиходжаев, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, Б.Р.Санакулова, С.С.Фуломов, В.Қобулов, Т.Ш.Шодиев, Р.Ҳ.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Н.М.Махмудов, О.М.Абдуллаев, Б.Т.Салимов, С.К.Салаев ва С.В.Чепелнинг илмий изланишлари маълум даражада ҳал этишга қаратилган[6].

#### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат молиясини бошқариш ислохотининг 2007-2018 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган бўлиб, ушбу стратегия давлат органлари фаолиятини бошқариш, режалаштириш, бюджетлаштириш ва мазкур фаолиятга баҳо бериш ислохотлари, яъни давлат бошқаруви иқтисодий механизмини ислох қилиш билан бирга амалга оширилмоқда. Моҳиятига кўра, давлат бюджети мамлакат молия тизимининг умумдавлат молияси соҳасига киради ва молия тизимига тегишли бўлган барча хусусиятларга эга. Шу вақтнинг ўзида, давлат бюджети фақат ўзига хос бўлган характерли хусусиятларга ҳам эгадирки, улар ўз навбатида, давлат бюджетини молия тизимининг бошқа бўлинмаларидан ажратиб туради ва унда марказий ўринни эгаллашга имкон беради. Ҳар бир мамлакатда давлатбарча молиявий муносабатларнинг ташкилотчиси бўлсада, унинг бу хислати, яъни мамлакатнинг моддий ва молиявий ресурсларини асосий тақсимловчиси сифатидаги роли фақат бюджетда катта куч билан намоён бўлади.

Давлат бюджети даромадлари бюджет харажатларини таъминлашга мўлжалланган бўлиб, унинг миқдори бюджет даромадларининг миқдори ЯИМнинг ўсишига ва солиқ ставкалари бўйича белгиланган солиқ юкига боғлиқ. Дунё иқтисодиётида бўлиб ўтган глобал инқироз таъсирига қарамадан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда макроиқтисодий барқарорлик кузатилмоқда. Хусусан, 2016 йил якунлари бўйича ЯИМнинг реал ўсиши 7,8 фоизни, солиқ юки эса 18,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йил якунлари

бўйича ЯИМнинг реал ўсиши 5,3 фоизни, солиқ юки эса 21,2 фоизни ташкил этган. (1 -расм).



1- расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ва солиқ юки кўрсаткичлари динамикаси, ЯИМга нисбатан % да[7].

Солиқ сиёсати мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ва халқаро рақобатбардошлигини ёмонлаштирмасдан солиқ тушумларининг барқарор оқимини таъминлаши керак[8]. Шунингдек, солиқлар давлат бюджетининг муҳим таркибий қисми бўлиб, жамоат эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат ёки маҳаллий органлар томонидан олдиндан белгиланган суммада ундириладиган мажбурий тўловлардир[9]. Юқорида қайд этганимиздек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида солиқ тизими такомиллашиб бормоқда. Шундай экан, шу ўринда солиқларни бюджет таркибидаги улушини кўриб чиқамиз (1-жадвал)

1- жадвал 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг тутган ўрни ( млрд. сўмда)[10]

N	Кўрсаткичлар	2017йил (ижро)		2018 йил (ижро)		2019йил (режа)	
		сумм а	%	сумм а	%	сумма	%
	Давлат бюджети даромадлар жами	44 469,6	1 00	62 229,5	1 00	102 627,6	10 0

I.	Бевосита солиқлар	10	2	12	2	29	28,
		674,2	4,0	805,4	0,6	125,5	4
.1	Юридик шахслардан фойда солиғи	1	2	2	4	15	15,
		291,1	,9	510,9	,0	980,0	6
.2	Савдо ва умумий оловкат-ланиш корхоналарининг ягона солиқ тўловидан ажратма	1	3	1	3	1 192,1	1,2
		613,2	,7	907,6	,0		
.3	Ягона солиқ тўловидан	1	3	2	3		
		622,8	,7	110,5	,5		

	бюджетга ажратма ш.ж. микрофирма ва кичик корхоналар						
.4	Жисмоний шахслар даромадидан солиқ	4	1	5	8	11	11,
		476,1	0,0	198,8	,4	367,4	0
.5	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларига солинадиган қатъий белгиланган солиқ	831,7	1	1	1	586,0	0,6
		,8	,8	077,6	,7		
.6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ	839,3	1	-	-	-	
		,9					

Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқлар 2017 йилда бюджетнинг ¼ қисмини, 2018 йилда 1/5 қисмини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 28,4 фоиз бўлиши режалаштирилган. Шу жумладан, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бевосита солиқлар ичида салмоқли улушга эга бўлиб, 2017 йилда 4876,7 млрд сўм ёки жами даромадларнинг ўртача 10 фоизни, 2018 йилда 8,4 фоизни ташкил этган ва 2019 йилга 11 фоизга режалаштирилган.

Юридик шахсларнинг фойда солиғининг улуши эса 2017 йилда 1291,1 млрд сўм ёки 2,9 фоизни, 2018 йилда эса 2510,9 млрд.сўм ёки 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда солиқ ставкасини 2 пунктга камайтирилишига қарамадан бюджетдаги улуши 15,6 фоиз бўлиши режалаштирилган. Бунга сабаб корхоналар томонидан тўланадиган ЯИТ ставкасини 12 фоизга туширилиши (бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар учун 25 %) ва



бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмаларни (3,2%) бекор қилиниши сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан бюджетга ажратма ва савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқдан бюджетга ажратмаларнинг улуши 2019 йилдан давлат бюджетида бирлашган ҳолда акс эттирилиб, жами бюджет даромадларига нисбатан 1,2 фоизни ташкил этмоқда. Холбуки бу кўрсаткичлар ўтган йилларда биргаликда 6,5- 7%ни ташкил этган.

**1- жадвал**  
**2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети даромадлари таркибида билвосита солиқларнинг тутган ўрни ( млрд. сўмда)[11]**

№	Кўрсаткичлар	2017 йил (ижро)		2018 йил (ижро)		2019 йил (режа)	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%
	Давлат бюджети жами даромадлар	44 469,6	100	62 229,5	100	102 627,6	100
2.	Билвосита солиқлар	24 285,4	54,6	33 404,3	53,6	47 029,8	45,8
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	13 422,1	30,2	22 019,4	35,4	35 993,5	35,1
2.2	Аксиз солиғи	6 870,8	15,5	8 343,8	13,4	9 017,5	8,8
2.3	Божхона божи	1 632,2	3,7	1 415,3	2,3	2 018,8	1,9
2.4	Бензин, дизел ёқилғиси ва газдан фойдаланганлик учун солиқ	1 940,3	4,3	1 323,2	2,1	-	-
2.5	Абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ	420,0	0,9	302,5	0,4	-	-

Давлат бюджети даромадлари таркибида билвосита солиқларни улуши камайиб бормоқда. Жумладан, ҚҚСни улуши 2017 йилда 30,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 35,4 фоизни ташкил этиши режалаштирилган ва 2019 йилда бу кўрсаткичи 0,4 пунктга камайган.

Аксиз солиғи эса 2017 йилдаги 15,5 фоиз ўрнига 2018 йилда 13,4 фоиз ва 2019 йилда 8,8 фоиз бўлиши режалаштирилган.

Божхона божлари ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2017 йилда 3,7 фоизни, 2018 йилда 2,3 фоизни ва 2019 йилда 1,9 фоиз бўлиши кўзда тутилган.

Бюджетнинг мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларини таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, мол-мулк солиғининг жами бюджет даромадлари таркибидаги салмоғи солиқ ставкаларини пасайтирилиши ҳисобига 2017йилдаги 4,5 фоиз ўрнига 2018йилда 3,6 фоизга режалаштирилга бўлса, 2019 йилда 1,8 фоиз бўлиши кўзда тутилган. Ер солиғи ҳам ўтган 2018 йилга нисбатан 0,2 пунктга камайган.

**1- жадвал**  
**2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети даромадлари таркибида мол-мулк солиғи ва ресурс тўловларининг тутган ўрни ( млрд. сўмда)[12]**

№	Кўрсаткичлар	2017йил (ижро)		2018 йил (режа)		2019 йил (режа)	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%
	Давлат мақсадли фондларидан ташқари жами даромадлар	44	1	62	1	102	10
		469,6	00	229,5	00	627,6	0
1	Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	6 049,5	13,6	9 714,5	15,7	16 906,0	16,5
1.1	Мол-мулк солиғи	1 988,8	4,5	2 158,9	3,6	1 851,1	1,8
1.2	Ер солиғи	1 102,5	2,5	1 266,6	2,0	1 834,3	1,8
1.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	2 746,3	6,2	6 203,1	10,0	12 952,1	12,6
1.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	211,9	0,4	85,9	0,1	268,5	0,3
2	Юқори фойдага солинадиган солиқ	723,2	1,6	1 367,7	2,2	130,0	0,1


Маълумотлардан кўриниб турибдики, бюджетнинг бошқа даромадлари 2017 йилда 2 737,3 млрд. сўмни ёки жами бюджет даромадларига нисбатан 6,2 фоизни, 2018 йилда эса 4 937,6 млрд. сўм ёки 7,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 9 436,3 млрд. сўм ёки 9,2 фоиз бўлиши режалаштирилган.

Бюджет даромадлари таркибидаги бундай ўзгаришлар амалдаги солиқ ставкаларини ўзгариши билан бевосита боғлиқ. Жумладан, 2018 йилда юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилиб, солиқ ставкаси амалдаги 15,5 фоиз ўрнига 14 фоиз (банклар учуг 22 фоиз) қилиб белгиланган эди. 2019 йилда ушбу солиқ ставкаси 2 пунктга камайтирилиб, 12 фоиз (банклар учуг 22 фоиз)ни ташкил этмоқда. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси эса амалдаги 5 фоиз ўрнига 2 фоиз қилиб белгиланди.


2018 йилда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалари 0,5 фоизга пасайтирилиб, 16,5 ва 22,5 фоиз қилиб белгиланган эди, 2019 йилдан ушбу ставкалар умулаштирилиб, ягона 12 фоизли солиқ ставкаси жорий этилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ўтган йилдан бошлаб мол-мулкнинг инвентар қийматидан эмас, кадастр қийматидан ҳисобланиши жорий этилиб, солиқнинг асосий ставкаси 1,7 фоиз ўрнига 0,2 фоиз қилиб белгиланган эди. 2018 йилда жисмоний шахслар учун солиқ юки кескин ошиб кетмаслиги учун кадастр қийматига асосан ҳисобланган солиқ суммаси 2017 йилдаги солиқ суммасига нисбатан 20 фоиздан кўп бўлмаслигига эътибор қаратилди. 2019 йилда ҳам ушбу тенденция сақланиб қолган ҳолатда солиқ ставкаси ўзгармади. Ягона солиқ тўловчилар учун асосий ставкаси эса ўтган 2018 йилдаги 5 фоиз ўрнига 4 фоизни ташкил этмоқда.

Жаҳон статистик маълумотларига кўра, аксарият ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатларда, солиқ юки даражаси 29-50 фоизни ташкил этаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, энг ривожланган давлатлар ҳисобланган АҚШ, Италия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ИХРТга аъзо аксарият Европа Иттифоқи давлатларида солиқ юки даражаси республикамиздаги даражадан анча юқори (1-расм).



2- расм. Жаҳон мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги солиқ юки фоиз ставкаси, %[13]



Қуйидаги расм орқали Ўзбекистон Республикаси 2014-2018 йиллардаги давлат бюджети харажатларини (мақсадли жамғармаларсиз) ва ЯИМ ҳажмини таҳлил қиламиз. 2018 йилдаги маълумотларимиз дастлабки ижро маълумотларидир. Бундан кўришиб турибдики, иккала кўрсаткич ҳам 2014-2018 йиллар оралиғида ўсиш тенденциясига эга бўлган, яъни 2014 йилга нисбатан 2018 йилда ЯИМ 2,8 марта ўсган бўлса, ўз навбатида давлат бюджети харажатларинининг ҳам 2,5 баробар ошганини кўришимиз мумкин (3-расм).

3- расм. ЯИМ ва Давлат бюджети харажатлари динамикаси, (трлн.

сўм)[14]

Давлат бюджети харажатлари 2017 йилда 49344,9 млрд сўмни, 2018 йилда 79736,1 млрд сўмни ва 2019 йилда 107118,4 млрд сўмга режалаштирилган. Ўтган йиллар мобайнида давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқориликча қолмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар бюджет харажатларини 2017 йилда 54,6 фоизини, 2018 йилда 53,5 фоизни, 2019 йилда 54,2 фоизга режалаштирилган.

Иқтисодиёт харажатлари 2017 йилда жами бюджет харажатларининг 10,7 фоизини, 2018 йилда 9,6 фоизини ва 2019 йилда 13,2 фоизга режалаштирилган. Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари жами харажатларнинг 2017 йилда 6,5 фоизини, 2018 йилда 6,8 фоизини ва 2019 йилда

3,7 фоизга режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари жами харажатлар таркибида ўзгаришсиз бўлиб, 0,3 фоизни ташкил этади.

#### 4- жадвал

#### Ижтимоий харажатлари таркиби[15],

№	Харажатлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да
И	Ижтимоий харажатлар - жами	26922,7	54,56	62 170,00	100	58012,1	100
	Ижтимоий харажатлар	26708,7	54,12	42658,9	68,6	58012,1	54,2
1.1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	26708,7	54,12	39026,9	33,9	50334,1	47
	Маориф	15977,7	32,4	19504,3	31,4	28394,3	48,9
	Соғлиқни сақлаш	7030,3	14,2	9 562,0	15,4	12078,0	20,8
	Маданият ва спорт	750,2	1,5	1165,4	1,9	1690,1	2,91
	Фан	275,6	0,6	389,3	0,6	801,0	1,4
	Болали оилаларни яхшироқ қилишга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	2239,6	4,5	3026,2	4,9	5167,2	8,9
2.	Ижтимоий соҳанинг бошқа харажатлари	435,3	0,9	570,0	0,9	1514,0	2,6

3.	Қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш рини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси	214	0,4	3632,0	5,8	500,0	0,9
----	--	-----	-----	--------	-----	-------	-----

Давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда ушбу харажат 26922,7 млрд сўмни ташкил қилган ҳолда таълим харажатлари (15977,7 млрд сўм) 32,4 фоизни, соғлиқни сақлаш харажатлари

(7030,3 млрд сўм) 14,2 фоизни, маданият ва спорт харажатлари (750,2 млрд сўм) 1,5 фоизни, фан харажатлари (275,6 млрд сўм) 0,6 фоизни, болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар харажатлари (2239,6 млрд сўм) 4,5 фоизни, ижтимоий соҳанинг бошқа харажатлари (435,3 млрд сўм) 0,9 фоизни ва қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси учун ажаратилган харажатлар (214 млрд сўм) 0,4 фоизни ташкил этган. Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлардан бири 2017 йилгача бўлган даврда ижтимоий соҳа харажатлари таркибида ижтимоий таъминот харажатларининг мавжудлиги ва 2017йилда бошлаб ижтимоий соҳанинг бошқа харажатларини киритилганлигидир.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугунги кунда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, ички ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш юзасидан бюджет ва солиқ тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг амал қилиши янада соддалаштирилмоқда. Шундай экан мамлакатнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш учун солиқ ва божхона имтиёзларининг амал қилиши мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда бюджет-солиқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам солиқ ва божхона имтиёзларининг берилаётганлиги тизимида самарали фаолиятни таъминлаётганлигини кўришимиз мумкин.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш,

мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади. Шунингдек, давлат бюджети орали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади.

Умуман олганда, олиб борилган таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

– давлат бюджетининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қийматни бюджет орқали қайта тақсимлаш пропорциялари молиянинг бошқа бўғинларига қараганда кўпроқ кенгайтирилган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан ва тарихий ривожланиш босқичида жамият олдида турган вазифалар билан белгиланади;

– бюджетга зарур маблағларнинг мунтазам ва муддатида ундирилишини таъминлайдиган оптимал бевосита ва билвосита солиққа тортиш тизими – такомиллашган солиқ тизими сифатида баҳоланиши лозим;

– бевосита ва билвосита солиққа тортишни оптималлаштириб, фойда ва даромадлардан солиқ ундиришни такомиллаштирган ҳолда, тадбиркорликни

ривожлантириш, корхоналар молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш ва солиққа тортиладиган даромадларни кенгайтириш ҳамда бевосита солиқлар тушумининг ўсишига эришиш зарур.

– бевосита солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ўтказилишини таъминлашда хўжалик субъектларининг масъулиятини ошириш ва илғор хориж тажрибасини республикада изчил қўллаш мақсадида солиқ тўловларининг кечиктирилган муддатларига пеня ҳисоблашда табақалаштирилган ставкаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги шароитда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан қуйидаги йўналишларни тақлиф этиш мумкин:

– бюджетдан маблағ ажратишда аниқ манзилли молиялаштириш бўйича молиявий назоратни кучайтириш лозим;

– бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш ва маблағлардан фойдаланишида максимал натижаларга эришиш йўллари излаш имкониятларини яратиш;

– бюджет харажатларини белгиланган параметрлар доирасида бажарилишига қабъий риоя этишга қаратилган молиявий сиёсатни самарали тарзда олиб бориш;

– давлат бюджети харажатларини режалаштиришнинг юзага келадиган иқтисодий ҳолат ва иқтисодий сиёсат йўналишлари билан боғлиқлигини кучайтириш мақсадида, тегишли идораларнинг ҳамкорлигини ошириш ва қонунчиликка зарур ўзгартиришларни киритиш;

– харажатларини режалаштиришнинг жаҳон тажрибаларига асосланган усулларини амалиётга жорий қилиш;

– қўшилган қиймат солиғини ундириш юзасидан Европа Иттифоқига аъзо бўлган етакчи давлатларнинг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларидан республикамиз шароитида кенг қўламда фойдаланиш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда бюджет тизими бозор муносабатларига мос равишда ривожланиб бормоқда, шунингдек иқтисодиётнинг ривожланишида бюджет тизимининг роли ва мамлакатнинг бюджет борасидаги ислохотлари иқтисодиёт таракқиёти учун самарали натижа беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Khairullaevich I. T. PROBLEMS AND TASKS OF EDUCATION IN THE ECONOMIC SPHERE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. - 2023. - Т. 11. - №. 5. - С. 409-412.

2. Abdullayevich N. I. The Impact of Attracting Foreign Direct Investment on Economic Development //Science Promotion. - 2023. - Т. 1. - №. 1. - С. 14-19.

3. Hoshimov J. INVESTITION MUHIT JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA XITOIY VA SINGAPUR TAJRIBASI //Iqtisodiyot va ta'lim. - 2023. - Т. 24. - №. 2. - С. 369-373.\

4. Ogli I. T. K. Introduction of Innovative Technologies in Commercial Banks in the Context of Increased Competition //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. - 2023. - Т. 20. - С. 57-59.

5. Abdullayevich N. I. IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY INVESTITSIALARNING O'RNI //TA'LIM VA INNOVATION TADQIQOTLAR. - 2022. - С. 95-96.

6. Giyozovich K. I., Vokhidovich G. S. Issues Of Tourism Development In Uzbekistan //The Peerian Journal. - 2024. - Т. 26. - С. 7-12.

7. Murtazaevich K. S. Analysis of the Impact of Investment Attractiveness on The Socio-Economic Development of the Bustan District of the Andijan Region



//European Journal of Economics, Finance and Business Development. - 2023. - Т. 1. - №. 3. - С. 84-90.

8. Suleymanov I. Ways to Increase The efficiency of Integrating the Banking system with the Real sector of the economy //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). - 2022. - Т. 9. - №. 2. - С. 9-14.

9. Murtazaevich K. S. The Role of Foreign Direct Investment in the Socio-Economic Development of the Country //Global Scientific Review. - 2023. - Т. 19. - С. 17-24.

10. Ганиев Ш. Инновационные основы бухгалтерского учета в бюджетных организациях //Экономика И Образование. - 2020. - Т. 1. - №. 4. - С. 101-105.

11. Suleymanov I. ANTI-CRISIS FINANCIAL MEASURES DUE TO COVID-19: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND PRACTICE OF UZBEKISTAN //International Finance and Accounting. - 2020. - Т. 2020. - №. 3. - С. 5.

12. Shomirov A. A. ISSUES OF USING THE IPO MECHANISM IN THE INVESTMENT ACTIVITIES OF JOINT-STOCK COMPANIES //Thematics Journal of Business Management. - 2021. - Т. 10. - №. 7.

13. Aminova N. INVESTITSIYA LOYIHALARINI ISLOM MOLİYASI DOIRASIDA FINTECH ORQALI MOLİYALASHTIRISH ISTIQBOLLARI //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. - 2024. - Т. 4. - №. 1. - С. 193-200.

14. Radikovich S. I. MAIN WAYS TO STRENGTHEN THE INTEGRATION OF THE BANKING AND REAL SECTORS //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. - 2022. - Т. 6. - С. 7-16.

15. Aminova N. U. Development of foreign economic activities in the republic of uzbekistan through attracting foreign investment //Asian Journal of Multidimensional Research. - 2021. - Т. 10. - №. 8. - С. 216-221.